ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 32/30.12.2020.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

АНОРБОЕВ АМИРИДДИН УЛУҒБЕК ЎҒЛИ

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 343.140.02:004.9

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)
Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 32/30.12.2020.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

АНОРБОЕВ АМИРИДДИН УЛУҒБЕК ЎҒЛИ

КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2019.1.PhD/Yu274 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети веб-сайти (www.mgjxu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович,** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Инагамджанова Зумратхон Фатхуллаевна** юридик фанлар доктори, профессор
	Расулев Абдулазиз Каримович юридик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 32/30.12.2020.Yu/74.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «27» ноябрь куни соат 10-00даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу қўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50; e-mail: mgjxu@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2166/1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу қўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (998971) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2021 йил 12 ноябрда тарқатилди.

(2021 йил 12 ноябрдаги 9-рақамли реестр баённомаси).

Д.М. Миразов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

М.М. Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б. Усмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор.

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда давлатларнинг ахборот тизимлари ва ресурсларига, халқаро ташкилотлар ва компанияларнинг маълумотлар базасига, молия институтларининг ахборот-коммуникация технологияларига ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказаётган энг хавфли қилмишлардан бири кибержиноятлар ҳисобланади. Хусусан, кибержиноятларни таҳлил қилувчи халқаро Cybersecurity Ventures ташкилоти экспертларининг фикрича, «дунё бўйлаб ҳар 14 сонияда битта киберҳужум содир этилмоқда, унинг натижасида Жаҳон иқтисодий форумининг прогнозига кўра, 2022 йилда 8 триллион доллар миқдорида дунё давлатлари зарар кўриши мумкин»[1]. Шунинг учун ҳам бугунги кунда, ушбу хавфнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилиш учун кибержиноятларга қарши курашишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда киберхавфсизликни таъминлашнинг комплекс асосларини яратиш жиноят ҳуқуқи соҳаси учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда кибержиноятларнинг бошқа жиноятларга қараганда янада кенг қамровли хусусиятга эга эканлиги, уларнинг бир мамлакат ҳудудидан туриб, иккинчи мамлакат ҳудудида ҳам содир этилиши мумкинлиги, трансчегаравий жиноят ҳисобланиши, кибержиноятчилар учун иқтисодий томондан уни амалга ошириш самарали ва вақт нуқтаи назаридан тезкор аҳамиятга эга эканлиги, бир лаҳзада жуда кўп миқдорда моддий-маънавий зарарни келтириб чиқариши мумкинлиги ва ушбу соҳада ташкилий-ҳуқуқий механизмлар борасида тизимли муаммоларнинг мавжудлиги инобатга олиниб, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда барча дунё давлатлари учун миллий ва халқаро жиноий-ҳуқуқий муносабатларда кибержиноятларга нисбатан жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, киберхавфсизликка оид халқаро нормаларнинг миллий қонунчилик билан ўзаро уйғунлаштириш, давлатларнинг кибержиноятларга оид жиноят қонунчилигини ўзаро бирхиллаштириш орқали ушбу жиноятларга қарши ялпи курашиш мехнизмини яратиш ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорлик ва шерикчилик алоқаларини йўлга қўйиш ва киберхавфсизликни таъминлашнинг самарали илмий-назарий ва амалий ечимини топиш ҳамда илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Республикамизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш

[1] https://www.tadviser.ru.

тартибини инсонпарварлаштириш; жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш; диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш» каби муҳим вазифалар белгиланган[1]. Бу эса, кибержиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларини ўрганиш, кибержиноятларни юридик таҳлил қилиш ва бу каби ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олиш бўйича зарур илмий тадқиқот ўтказиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон, 2018 йил 13 июлдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5482-сон Фармон ҳамда 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сон ва 2020 йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4818-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 7 августдаги 622-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ижросини амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг «III. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида кибержиноятларга қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлашга оид масалалар комплекс шаклда етарли даражада ўрганилмаган, фақатгина унинг айрим жиҳатлари ўрганилганлигини таъкидлаш лозим. Чунончи, И.Р.Бегишев киберфирибгарлик жиноятларини, Ҳ.Р.Очилов ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик чораларини, Ш.Ғойибназаров, И.И.Аминов, М.М.Мирхаётов кибертерроризм ва кибертерроризмни молиялаштириш жиноятларини, А.А.Исманова киберэкстремизм жиноятларини, И.М.Норбўтаев жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятларни, Н.Ражабова ахборот-коммуникация технологиялари орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ва (ёки) ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жиноятларини, А.К.Расулев ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш йўлларини, У.Ф.Хасанов компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятларини, А.Хаджаев, Н.Юсупова компютер жиноятларига қарши курашиш йўлларини, Д.Р.Иргашев, М.А.Рахматуллаев блокчейннинг маълумотлар хавфсизлигини ошириши ҳолатини тадқиқ этганлар. Шунингдек, рус олимларидан К.Н.Евдокимов Россия компьютер жиноятчилигини, Т.Л.Тропина компьютер саботажи жиноятларини, Р.И.Дремлюга Интернет орқали содир этиладиган жиноятларни, В.В.Хилюта киберталончилик жиноятларини, Е.В.Тищенко компьютер жинояти ёки Интернет жиноятчилиги учун жиноий жавобгарлик хусусиятларини, В.О.Голубэв трансмиллий компьютер жиноятчилигига қарши курашиш муаммоларини, С.И.Ушаков компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятларнинг амалий ва назарий қоидаларини, Е.Щербак ва Н.Щербак компьютер жиноятчилигини квалификация қилиш хусусиятларини, А.А.Данельян хавфсиз кибермаконни яратишнинг халқаро ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишган[1].

Кибержиноятчиликка қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида комплекс тадқиқотлар М. Маклюэн (Канада), Т.Стоуньер (Буюк Британия), Й. Масуда (Япония), R.Haeni, F.Schreier, B.Weekes, T.H.Winkler (Германия) ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Шунингек, Nationales Cyber-Abwehrzentrum-NCAZ (Германия), Australian Cyber Security Center-ACSC (Австралия), National Cyber Security Centre (Ирландия), National Cybersecurity Center-NCSC (Буюк Британия), Национальный координационный центр по компьютерным инцидентам-НКЦКИ (Россия), National Cybersecurity Center-NCSC (АҚШ) марказларида, Ўзбекистонда эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 сентябрдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4452-сон қарори билан ташкил қилинган «Киберхавфсизлик маркази» давлат унитар корхонаси томонидан ҳам киберхавфсизлик масалалари ўрганилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича режаси» доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиш, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

[1] Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кибержиноят тушунчаси ва унинг моҳиятини очиб бериш;

жиноят қонунчилигида кибержиноятлар учун жавобгарликни тизимлаштириш заруриятини ўрганиш;

кибержиноятларни таснифлаш орқали уларни таҳлил қилиш;

шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган кибержиноятларни юридик таҳлил қилиш;

ижтимоий-сиёсий кибержиноятларни таҳлил қилиш;

иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятларни таҳлил қилиш;

ахборот-коммуникация технологияларига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик таҳлилини очиб бериш;

кибержиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

кибержиноятлар профилактикасини такомиллаштириш истиқболларини белгилаш ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикасида кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини кибержиноятларнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили, кибержиноятларнинг юридик таҳлили, кибержиноятлар учун жазо тайинлаш ва кибержиноятлар профилактикасини такомиллаштириш истиқболлари билан боғлиқ масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, тарихийлик, анкета сўрови, эмпирик материаллар ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатув, тизимли ёндошув, мантиқийлик каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

давлат идоралари ва ташкилотларнинг дастурий таъминотлари, маълумотлар базалари, шу жумладан операцион тизимларининг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан уларни мажбурий экспертизадан ўтказиш механизмини жорий этиш асослаб берилган;

веб-сайт фойдаланувчилари томонидан қолдирилган шарҳлар матнида, шунингдек ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерларда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан чекланадиган маълумотлар аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази томонидан веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотларни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юборилиши асослантирилган;

карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида

ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет тармоғи орқали тарқатиш учун жиноий жавобгарликни белгилаш асослаб берилган;

порнографик, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек порнографик маҳсулотни реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш учун жиноий жавобгарликни белгилаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

киберхавфсизликни тартибга солиш соҳасида ваколатли орган сифатида Давлат хавфсизлик хизматини белгилаш ҳақидаги таклифлар ягона технологик ёндашув асосида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлиги ҳолатини назорат қилиш, мониторинг қилиш, ўрганиш ва текширишни амалга оширишга хизмат қилади;

олий таълим муассасаларида киберхавфсизлик соҳаси бўйича бакалавриат босқичида таълим йўналишини очиш ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ҳақидаги таклифлар ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик йўналишларида юқори малакали мутахассисларнинг тайёрланишига хизмат қилади;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид таклифлар рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш доирасида ахборот тизимлари, ресурслари ва бошқа дастурий маҳсулотларни яратиш ва жорий этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотларнинг лойиҳалари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида мажбурий экспертизадан ўтказиш ваколатлари белгиланишига ҳамда электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини амалга оширишда ягона технологик ёндашувни таъминлаш, шу жумладан лойиҳавий-техник ҳужжатларни комплекс экспертизадан ўтказиш «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг асосий вазифа ва функцияларидан бири бўлишига хизмат қилади;

ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрларни ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик ва жамоат хавфсизлиги соҳасида ўқитиш тизимини такомиллаштириш, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, жамоат тартибини таъминлаш ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот ресурслари ва тизимлари киберхавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини ташкил этиш, шунингдек, миллий

ахборот маконининг яхлитлигини сақлаш чора-тадбирларини кўриш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини белгилаш ҳақидаги таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментининг асосий вазифаларини тўлақонли амалга оширишни таъминлашга хизмат қилади;

ўрта муддатга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегияни ва Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳақидаги таклиф ушбу соҳадаги муносабатларнинг ягона қонун ҳужжати билан тартибга солиб қўйилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, хорижий тажриба ва миллий қонунчилик ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади. Шу билан бирга, тадқиқот давомида 485 та давлат органи ва идораси, таълим муассасаларига сўровлар юборилди, сўровлар натижалари бўйича кибержиноятлар ва киберхавфсизлик бўйича 485 та ташкилотдан 438 та ташкилот ходимлари зарур даражада тушунчага эга эмаслиги, ташкилотда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича лозим даражада кўникма ҳамда моддий-техник таъминот мавжудмаслиги таъкидлашганлиги аниқланди, қолган ташкилотлардан олинган материаллар асосида диссертация мазмун-моҳияти бойитилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти шундаки, изланишлар натижасида билдирилган хулоса, таклиф ва тавсиялар жиноят ҳуқуқининг назарий билимларини бойитади ва янги илмий тадқиқотлар олиб боришга имкон яратади ҳамда ундаги илмий-назарий ғоя ва хулосалар Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг иқтисодий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни янада чуқурроқ ўрганишда илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса, мавзуни тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қоидалар, хулосалар ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикасининг «Кибержиноятларга қарши курашиш тўғрисида», «Киберхавфсизлик тўғрисида», «Киберагрессия тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот материлларидан олий юридик таълим муассасаларида «Жиноят ҳуқуқи», «Жиноят процесси», «Криминалистика», «Рақамли криминалистика», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Кибернетика», «Информатика», «Ахборот ҳуқуқи» фанлари ўқув жараёнида маъруза ва семинарлар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Республикамиздаги барча давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларининг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан мажбурий экспертизаси тизимини жорий этиш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан тасдиқланган 2020-2022 йилларда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг 28-бандида ўз ифодасини топган *(Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 16.07.2020 йилдаги 32-8/4040-сон, 18.02.2021 йилдаги 32-8/1190-сон ва 26.02.2021 йилдаги 32-8/1451-сон далолатномаси).* Ушбу таклифнинг жорий қилиниши давлат идоралари ва ташкилотларининг ахборот тизимларининг мажбурий экспертизадан ўтказилиши орқали уларнинг киберхавфсизлигини таъминлашга хизмат қилган;

веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартибини белгилаш зарурлиги ҳақидаги таклиф Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2020 йил 23 декабрдаги 807-сон қарорининг 2-банди ва иловасида ўз ифодасини топган. *(Вазирлар Маҳкамасининг 18.02.2021 йилдаги 12/21-04-сон ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 18.02.2021 йилдаги 32-8/1190-сон ва 26.02.2021 йилдаги 32-8/1451-сон далолатномаси)*. Ушбу таклифнинг жорий қилиниши бутунжаҳон интернет тармоғига жойлаштирилаётган ноқонуний маълумотларнинг ўз вақтида уни тармоққа жойлаштирган шахс томонидан олиб ташланиши зарурлигига оид муносабатларнинг лозим даражада тартибга солиб қўйилишига хизмат қилган.

Пандемия шароитида аҳоли ўртасида турли хил вахима ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотларнинг чекланишини таъминлаш мақсадида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш бўйича жиноий жавобгарликни белгилаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244^5-моддасида ўз ифодасини топган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 22.04.2021 йилдаги 06/1-05/1087-сон ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 16.07.2020 йилдаги 32-8/4040-сон, 18.02.2021 йилдаги 32-8/1190-сон ва 26.02.2021 йилдаги 32-8/1451-сон далолатномаси).* Ушбу таклифнинг жорий қилиниши пандемия шароитида карантин ҳақидаги маълумотларга ноқонуний ишлов берилишининг олдини олишга хизмат қилган;

порнографик ва зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни маҳсулотни телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет

тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш учун жавобгарликни белгилаш ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130 ва 130[1]-моддаларида ўз ифодасини топган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 22.04.2021 йилдаги 06/1-05/1087-сон ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 16.07.2020 йилдаги 32-8/4040-сон, 18.02.2021 йилдаги 32-8/1190-сон ва 26.02.2021 йилдаги 32-8/1451-сон далолатномаси).* Ушбу таклифнинг жорий қилиниши порнографик ва зўравонлик тусидаги маҳсулотларнинг тарқатилиши ва ноқонуний фойдаланилишининг олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, хусусан, 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 22 илмий иш, шу жумладан 1 та монография, 21 та илмий мақола (5 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиѐтлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби ***«Кибержиноятларнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили»*** деб номланиб, ушбу бобдаги учта параграфда кибержиноят тушунчаси ва унинг моҳияти, жиноят қонунчилигида кибержиноятлар учун жавобгарликни тизимлаштириш зарурияти ва кибержиноятларни таснифлаш билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг *«Кибержиноят тушунчаси ва унинг моҳияти»* деб номланган биринчи параграфи кибержиноят тушунчаси ва унинг доктринал ҳамда расмий тушунчаларининг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган.

Диссертант томонидан кибержиноятлар тушунчасига таъриф бериш бевосита ахборот-коммуникация технологияларининг ривожи билан боғлиқ экани ёритилган бўлиб, ушбу тушунча технологиянинг ривожига қараб, «глобал тармоқ жиноятчилиги», «компьютер жиноятчилиги», «компьютер билан боғлиқ жиноят», «компьютер орқали жиноят содир этиш», «электрон

жиноятчилик» ва «юқори технологиялар жиноятчилиги», «виртуал жиноятчилик» каби турлича номланганлиги қайд этилган. Шунингдек, ушбу жиноятларнинг барчаси кибермуҳитда содир этилиши, ушбу қоидани халқаро ҳужжат бўлган Европа Кенгашининг «Компьютер жиноятлари тўғрисида» 2001 йилдаги Конвенцияси қоидаларида ҳам мавжудлиги таъкидланган.

«*Жиноят қонунчилигида кибержиноятлар учун жавобгарликни тизимлаштириш зарурияти*» деб номланган биринчи бобнинг иккинчи параграфида жиноят қонунчилигида кибержиноятлар учун жавобгарликни тизимлаштириш зарурияти асосланган.

Халқаро полиция ассоциациясининг Россия бўлими раҳбари, генерал-лейтенант Юрий Жданов ҳисоб-китобларига кўра, жаҳонда 2019 йилга қараганда 2020 йилда кибержиноятлар сони 71,4 фоизга ошган. Бу борада давлатлар томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ҳозирги кунда ахборотни муҳофаза қилиш, ахборотни ошкор қилганлик, компьютер жиноятчилиги юзасидан 500 дан зиёд қонунчилик ҳужжатлари мавжудлиги, Ўзбекистонда эса, буни тартибга соладиган алоҳида қонунчилик ҳужжатлари лозим даражада ишлаб чиқилмаганлиги ва қуйидаги ҳолатларни инобатга олиб, мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш борасидаги муносабатларни лозим даражада белгилаб қўйиш зарурияти таъкидланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 297-бандида илк бора расмий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда киберхавфсизлик тушунчаси қўлланилиб, бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг лозим даражада ишлаб чиқилмаганлиги, Жиноят кодексининг 167-169, 278^1-278^7-моддаларида назарда тутилган жиноятнинг воситаси ёки предмети бўлган компьютер тизимлари ёки компьютер техникаси тушунчаси бугунги кунда ўзининг техник имкониятлари туфайли тўлиқ кибержиноятларни қамраб ололмаслиги, хусусан, мобил илова орқали амалга оширилган фирибгарлик жиноятларида мобил илова ўзининг техник имкониятидан келиб чиқиб, компьютер тизими ёки тармоғига кирмаслиги сабабли жиноят қонунчилигимизни қайта кўриб чиқиш зарурлиги асосланган.

«*Кибержиноятларнинг таснифланиши*» деб номланувчи ушбу бобнинг учинчи параграфида кибержиноятларнинг сони жуда кўп бўлганлиги сабабли уларни таснифлаш ва маълум бир гуруҳларга ажратиб ўрганиш таклиф қилинган. Мазкур таклиф ўринли таклиф эканлигини кўрсатиш учун Tadviser, IT Skills, Касперский компаниялари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ва Серия модул университети, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евросиё гуруҳи олимлари ҳамда олимлар Э.Л.Кочкинанинг, П.С.Титова,

Наре Смбатян, Н.Лимож, М.Косович, Д.В.Пашнев, Э.С.Шевченко, Ю.Газизова, Т.Л.Тропинанинг фикрлари таҳлил қилинган. Филиппинда 2012 йилда қабул қилинган «Кибер жиноятларнинг олдини олиш тўғрисида»ги 10175-сон Филиппин Республикаси қонуни (РА10175) ва у асосида қайта кўриб чиқилган Филиппин Жиноят кодексига асосан истаган қилмиш агарда ахборот-коммуникация технологиялари орқали амалга оширилган бўлса, бу кибержиноят деб ҳисобланади ҳамда мазкур жиноятларни содир этган шахсларга Филиппин Жиноят кодексида назарда тутилган санкциялардаги жазо миқдоридан бир даражага кўп бўлган жазо қўлланилади[1], деган кибержиноятларни таснифлашга оид нормалари ўрганилиб, «Компьютер жиноятлари тўғрисида»ги Будапешт Конвенцияси тадқиқ этилиб, кибержиноятларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб ўрганишни таклиф қилинган:

Хусусан, кибержиноятлар амалга ошириш усулига кўра, иккита катта гуруҳга бўлинади, яъни кибертехнологиялардан фойдаланиб содир этиладиган кибержиноятлар ва кибертехнологияларга қарши қаратилган кибержиноятлар. Буни аниқроқ тушунтирадиган бўлсак, кибержиноятлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган кибержиноятларга ва ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан содир этиладиган жиноятларга бўлинади. Жиноят кодексининг 103-моддасининг иккинчи қисми «г»-банди, 103^1-моддасининг иккинчи қисми «в»-банди, 167-моддасининг учинчи қисми «г»-банди, 168-моддасининг 2-қисми «в»-банди, 169-моддасининг учинчи қисми «б»-банди, 188^1-, 244^1-, 244^5-, 278-моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, Жиноят кодексининг 278^1-278^7-моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан содир этилган кибержиноятлар саналади.

Кибержиноятларни ижтимоий хавфли қилмишни қайси маконда содир этилишига қараб иккита гуруҳга ажратиш мумкин, яъни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тегишли кибермаконда содир этиладиган кибержиноятлар ва ахборот соҳасида содир этиладиган кибержиноятлар. Иккала жиноят ҳам кибермуҳитда содир этилади, бироқ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кибержиноятларда ахборот-коммуникация технологияси зарар кўриши ёки зарар етадиган ҳолатга олиб келиниши мумкин. Ахборот соҳасидаги кибержиноятларда эса, ахборот-коммуникация технологияларига зарар етмайди, балки фойдаланувчиларга зарар етказувчи маълумотлар уларнинг ахборот-коммуникация технологиясида сақланиши, узатилиши ва фойдаланиши орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларига путур етказилади.

---

[1] Акт, определяющий киберпреступность, обеспечивающий предупреждение, расследование, преследование и назначение наказаний за это и другие цели. Республиканский закон № 10175. 12 сентября 2012 г. https://www.officialgazette.gov.ph/2012/09/12/republic-act-no-10175/.

Кибержиноятлар объектига нисбатан содир этилишига қараб, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган, ижтимоий-сиёсий, иқтисодиёт соҳасидаги, ахборот-коммуникация технологияларига қарши қаратилган кибержиноятларга бўлинади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«*Кибержиноятларнинг юридик таҳлили*»** деб номланиб, унда кибержиноятлар объектига нисбатан содир этилишига қараб таснифланган шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган кибержиноятлар, ижтимоий-сиёсий кибержиноятлар, иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятлар, ахборот-коммуникация технологияларига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик тавсифи ёритиб берилган.

Ушбу бобнинг «*Шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик таҳлили*»га бағишланган биринчи параграфида кибертехнологиялар орқали ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти, кибертехнологиялар орқали ўзини ўзи ўлдиришга ундаш-киберсуицид, кибертаҳдид, кибертехнологиялар орқали вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, киберпорнография, киберзўравонлик, киберқўшмачилик, кибертуҳмат, киберҳақорат, кибертехнологиялар орқали шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш каби кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиниб, уларнинг юридик тавсифи баён қилинган.

Диссертант томонидан ҳар бир жиноятлар халқаро ҳуқуқ нормалари ва хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги билан ўзаро таҳлил қилиниб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб ҳамда мавжуд муаммоларнинг самарали ечими сифатида мазкур жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш таклифи илмий асосланган.

«*Ижтимоий-сиёсий кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили*» деб номланган ушбу бобнинг иккинчи параграфида кибертехнологиялар орқали урушни тарғиб қилиш, киберагрессия, кибертерроризм, киберэкстремизм, давлат раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсга нисбатан кибертажовуз, кибертехнологиялар орқали давлатларнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, кибержосуслик, киберқўпорувчилик, кибертехнологиялар орқали давлат сирларини ошкор қилиш, киберпора, электрон ҳужжатларни қалбакилаштирганлик жинояти, кибербезорилик, киберқиморбозлик каби кибержиноятларнинг юридик тавсифи очиб берилган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан ҳар бир жиноятлар халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги билан ўзаро таҳлил қилиниб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб ҳамда мавжуд муаммоларнинг самарали ечими сифатида мазкур жиноятлар учун жавобгарликни белгилаш таклифи илгари сурилган.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи «*Иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи*» деб номланган бўлиб, унда кибертовламачилик, киберрастрата, киберфирибгарлик, киберўғрилик, сохта кибердоришунослик, кибертехнологиялардан фойдаланиб пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият кибержиноятларининг юридик тавсифи ишлаб чиқилган. Бунда, кибертовламачилик, киберрастрата, киберфирибгарлик, киберўғрилик, сохта кибердоришунослик, кибертехнологиялардан фойдаланиб пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият жиноятлари 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилиши асослантирилган, мазкур жиноятларнинг барчаси тўғри қасддан амалга оширилиши асослантирилган. Шу билан бир қаторда, ушбу жиноятларнинг объекти ва объектив томонлари таҳлил қилинган ҳамда мазкур жиноятларнинг юридик тавсифи диссертация ишида алоҳида жадвал кўринишида кўрсатиб берилган.

«*Ахборот-коммуникация технологияларига қарши қаратилган кибержиноятларнинг юридик таҳлили*» деб номланган тўртинчи параграфда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XX[1] боби бўлган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар, хусусан, Жиноят кодексининг 278[1]-моддасидаги ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, 278[3]-моддасидаги компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, 278[4]-моддасидаги компьютер ахборотини модификациялаштириш, 278[5]-моддасидаги компьютер саботажи, 278[6]-моддасидаги зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, 278[7]-моддасидаги телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятларининг юридик тавсифи кўрсатиб берилган. Шу билан бирга жавобгарликни либераллаштириш зарурлиги, ушбу жиноятларнинг бир қисмини декриминаллаштириш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказилиши асосланган.

Бунда, диссертант томонидан ахборотлаштиришга оид қонунчилик ҳужжатларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер саботажи, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятлари 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилиши асослантирилган, мазкур жиноятлардан ахборотлаштиришга оид қонунчилик ҳужжатларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф фойдаланиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш жиноятлари эҳтиётсизлик (бепарволик ёки ўз-ўзига ишони) ва қасддан (тўғри қасд ёки эгри қасд), қолган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда

(рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер саботажи, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш, телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жиноятлари эса, тўғри қасддан амалга оширилиши асослантирилган ва тегишли таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий ишнинг ***«Кибержиноятлар учун жазо тайинлаш ва кибержиноятлар профилактикасини такомиллаштириш истиқболлари»***га оид учинчи боби кибержиноятлар учун жазо ва жавобгарлик масалалари, кибержиноятчиликка қарши курашиш, киберхавфсизликни таъминлаш, содир этилган кибержиноятларни экспертизадан ўтказиш, кибержиноятларни тергов қилиш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича ваколатли органларни белгилаш ва мамлакатимизда киберхавфсизликни таъминлаш истиқболларига бағишланган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи «*Кибержиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари*» деб номланган бўлиб, унда туркумланган ва ушбу туркумга кирувчи асосий кибержиноятлар учун жазо тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилиб, кибержиноят содир этилиши натижасида келиб чиққан зарарни бартараф қилишнинг ҳуқуқий ва техник ечимлари, шу билан бирга, кибержиноятлар учун жазо тайинлаш вақтида кибержиноятларнинг вақт ва ҳудуд бўйича амал қилиш доирасини, шунингдек, келиб чиққан ҳақиқий зарарни аниқлаш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал этиш тартиби илмий асосланган. Шунингдек, Озарбайжон, Болгария, Грузия, Филиппин каби давлатларнинг жиноят қонунчилигида кибержиноятлар учун жазо тайинлаш механизми ўрганилган.

Натижада, муаллиф таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси моддалари қайта кўриб чиқилиб, ушбу кодекснинг 130-130^{1}, 139-140, 141^{1}-141^{2}, 158, 244, 244^{1}, 244^{5}-244^{6}-моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, Интернет ва телекоммуникация воситалари орқали бир қатор ижтимоий хавфли қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган, мавжуд жавобгарлик кучайтирилган.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали ҳимояланган ижтимоий муносабатлар кибержиноятларнинг объектини ташкил этади ва мазкур ижтимоий муносабатларга қилинган ҳужум тавсифи кибержиноятларнинг объектив томонини кўрсатади. Кибержиноятчиликнинг турлари ва шакллари турлича бўлганлиги сабабли ҳам унинг объектив томонини аниқ кўрсатиш мураккаб ва ҳар бир кибержиноятнинг тури бўйича объектив томон жиноят содир этилиши шаклига қараб турлича ифодаланади.

«*Кибержиноятлар профилактикасини такомиллаштириш истиқболлари*» деб номланган иккинчи параграфда кибержиноятларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ва профилактикаси бўйича мамлакатимиз олдида турган вазифалар санаб ўтилиб, уларни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур йўналишда

қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши халқаро ва хорижий тажриба нуқтаи назаридан асосланган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, Cybersecurity Ventures халқаро экспертларнинг фикрига кўра, дунё бўйлаб ҳар ҳар 14 сонияда битта киберҳужум содир этилмоқда, Жаҳон иқтисодий форумининг прогнозига кўра, киберҳужумлар натижасида 2022 йилда дунё 8 трлн. доллар миқдорида зарар кўради. Ушбу зарарни бартараф этиш бўйича кибержиноятларнинг олдини олиш борасида олимлар турлича тушунтириш беришга ҳаракат қилиб кўради, хусусан, олим В.С.Харламов, Я.Попыева, М.А.Ефремованинг фикрича, ушбу муаммонинг ягона ечими кибержиноятчилик тушунчасини мамлакат жиноят қонунчилигига киритиш керак.

Диссертант томонидан Болгария жиноят кодексининг 319^{a}-319f-моддалари, Грузиянинг жиноят кодексининг 284-286-моддалари, Белеруссия жиноят кодексининг 24-бобининг 1-изоҳ қисми, Дания жиноят кодексининг 279-а-моддасида, Франция жиноят кодексининг 263а-моддасида, Эстония жиноят кодексининг 268-моддасида компьютер фирибгарлиги, Италия жиноят кодексининг 640-ter-моддасида, Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексининг 287-моддасида, Нидерландия Жиноят кодексининг 138ab-моддасининг «а» бандининг учинчи хатбошиси, Польша Жиноят кодексининг 287-моддасида, Украина Жиноят кодексининг 190-моддаси 3-қисми, Жанубий Корея Жиноят кодексининг 247^{2}-моддасида, Испания Жиноят кодексининг 478-моддасида, Финландия Жиноят кодексининг 30-боби 4-моддаси 1-бандида, Швейцария Жиноят кодексининг 143-моддасида, Австрия Жиноят кодексининг 148а-моддасидаги кибержиноятларга оид нормалар мавжудлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини такомиллаштиришга оид таклифлар берилган.

